

8-10-2019

INNOVATIONAL THOUGHT AND THE PROCESSES OF COGNITIVE CHANGES IN YOUTH MIND

Umrbek Shonazarovich Khadjiev
UrSU, independent researcher

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Khadjiev, Umrbek Shonazarovich (2019) "INNOVATIONAL THOUGHT AND THE PROCESSES OF COGNITIVE CHANGES IN YOUTH MIND," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 4 , Article 24.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss4/24>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

INNOVATIONAL THOUGHT AND THE PROCESSES OF COGNITIVE CHANGES IN YOUTH MIND

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ИННОВАЦИОН ТАФАККУР ВА ЁШЛАР ОНГИДАГИ ИЖТИМОЙ КОГНИТИВ ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНЛАРИ

Хаджиев Умрбек Шоназарович

УрДУ, мустақил изланувчи тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Онгнинг инсон фаолиятига таъсири, ундаги тафаккурнинг ўзгаришларнинг омили ва маҳсули сифатида келиши ижтимоий фалсафий ҳамда психологик тадқиқотлар очиб берилган. Тафаккур, тафаккур услуги, инновацион тафаккур ва ёшлар онгидаги ижтимоий когнитив ўзгариш жараёнлари ҳақида баён этилган.

Калит сўзлар: Онг, тафаккур, тафаккур услуги, Инновацион тафаккур инновацион онг, инновацион гоя, радикализм, социал инновация, юридик инновация, агроинновация, эстетик инновация, бошқаришда инновация, педагогик инновация.

INNOVATIONAL THOUGHT AND THE PROCESSES OF COGNITIVE CHANGES IN YOUTH MIND

Khadjiev Umrбек Shonazarovich

UrSU, independent researcher

Abstract: In this article, social philosophical and psychological research has revealed that the effects of Ong on human activities, as a factor and product of the cognitive change in it. The concept of thinking, the way of thinking, the innovative thinking and the processes of social change in the minds of young people.

Key words: Innovative thinking, innovative thinking, innovative ideas, radicalism, social innovation, legal innovation, agro-innovation, aesthetic innovation, innovation in management, pedagogical innovation.

ИННОВАЦИОННЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ И СОЦИАЛЬНО-КОГНИТИВНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ В ПЕРСОНАЛЕ

Хаджиев Умрбек Шоназарович

УрГУ, независимый исследователь

Аннотация: В данной статье раскрываются социальные но философские и психологические исследования влияния сознания на деятельность человека, а также результаты и факторы таких изменений

Ключевые слова: Сознание, мышление, сдвиг мышления, Инновационное мышление, Инновационное сознание, Инновационное идея, радикализм, Социальная инновация, Юридическая инновация, Агроинновация, Эстетическая инновация, Инновация в управлении, Педагогическая инновация.

Жамият ва инсон ҳаётидаги ҳар қандай ўзгаришлар пировард натижада онг феноменида аксини топади. Онгнинг инсон фаолиятига таъсири, ундаги тафаккурнинг ўзгаришларнинг омили ва маҳсули сифатида келиши ижтимоий фалсафий ва психологик тадқиқотларда тасдиқланган. Бизни бу ўринда инновацион тафаккурнинг ижтимоий когнитив таъсири, унинг ёшлар онгида ўз аксини топиши

масалалари қизиқтиради. Бунинг учун аввало инновацион тафаккурнинг онг феноменига тааллуқли воқелик эканини очиб беришимиз зарур. “Тафаккур” объектив воқеликнинг тасаввур, тушунча ва муҳокамадаги актив инъикос процесси, инсоннинг фикрлаш қобилияти, фикрлаш тарзини ифода этувчи тушунча ҳисобланади. У ўйлаш, фикр юритиш, мулоҳаза билдириш, у ёки бу воқеликни баҳолаш, хуллас, инсоннинг субъектив қарашлари, фаолияти ифодасидир[1.13]. Ўзбек тилидаги “Фалсафа энциклопедияси”да тафаккурга “объектив олам инъикосининг олий шакли; объектив воқеликнинг онгда акс этиш жараёни. Онг жараёнида инсонда фикр мулоҳаза, ғоя, фараз кабилар вужудга келади ва улар шахснинг онгида тушунча, ҳукм, хулосалар шаклида ифодаланади” деб таъриф берилади[2.275]. Илмий фалсафий, гносеологияга оид адабиётларда “тафаккур услуги” тушунчаси ишлатилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, “тафаккур услуги ҳиссий ва ақлий билимга асосланган, воқеликни воситали инъикос этишдир”[3.215]. Ҳиссий ва ақлий жараёнлар билиш, ўрганиш, англаш жараёнларида уйғунлашади, объектив воқеликни маълум бир образлар, тизимлар тарзида тасаввурда шакллантиради. “Маълумки, инсон тафаккурида уни ўраб турган воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни акс эттириш уларнинг мантиқий образини ўзида ифодалаган тушунчалар ёрдамида амалга оширилади.

Инновацион тафаккур “тафаккур” тушунчаси ёки тафаккур услубининг юқоридаги умумий хусусиятларини ўзида акс эттиради. Аммо у шунчаки оддий, кундалик тасаввур эмас, ҳатто объектларнинг бир макондан бошқа маконга ўтишида, сижизида кузатиладиган янгилик ҳам эмас, у ён атрофни, муҳитни ва улардаги тааввурларни ўзгартиришга қаратилган ижодий муносабат ифодасидир. Масалан, стол устида, дейлик, чойнак ва иккита пиёла турибди. Чойнак ўнг қўл томонингизда, пиёлалар чап қўл томонингизда. Агар сиз пиёлалардан бирини ўнг қўлингиз томон силжитсангиз, олиб қўйсангиз предметларнинг макондаги ўрни ўзгаради, янги кўриниш юзага келади. Бу кўриниш олдинги кўринишга нисбатан янгиликдир. Бундай ўзгаришни, янгиликни инновация дейиш қийин. Объектив нарсаларнинг, предметларнинг маконда силжиши, турар жойини ўзгартириши ҳали инновация эмас. Агар стол устидаги предметлар моҳиятига бирор ўзгартириш киритилса, бу инновация бўла олади. Масалан, чойнакнинг қопқоғи тушиб кетмаслиги учун унга “тилча” жорий этиш, пиёланинг бадиий эстетик кўринишини янгилаш инновация бўлиши мумкин. Демак, инновация объектнинг моҳияти ва функциясини такомиллаштиришга, гўзаллаштиришга, замонавийлаштиришга қаратилган янгиликни жорий этишдир. Бу объект инсон онги, тасаввурлари, қарашлари ҳам бўлиши мумкин. “Инновацион тафаккур”, “инновацион онг”, “инновацион ғоя” ва “инновацион фикр” каби субъектив воқеликлар шулар жумласидандир. Инновацион тафаккур махсус фикрлаш тури. Уни умумий, фалсафий тафаккур ва хусусий, илмий техник тафаккур услубларига ажратиш мумкин. Умумий, “фалсафий тафаккур услубида моддий олам ва унинг ривожланиш қонуниятларини акс эттириш ҳамда англаб олиш, муайян дунёқараш ва методологик принциплар асосида амалга оширилади. Бинобарин, илмий тафаккур асосида ётган хусусий илмий ғоя, назариялар қатъиян белгиланган соҳа ва чегарага эга эмас. Моддий олам тараққиётининг энг умумий қонуниятларини акс

этирадиган фалсафий принциплар, қонун ва категориялар умумийлик характериға эға. Шунинг учун ҳам улар оламни билиш ва қайта ўзгартиришнинг умумий методи сифатида намоён бўлади”[5.218]. Хуллас, умумий, фалсафий тафаккур оламни англаш, “қайта ўзгартириш”да ҳиссий ва ақлий билиш, метафизик мушоҳада жараёнларининг маҳсулидир. У илмий бўлиши учун, Н.А.Бердяев айтганидек, дунёвий заруриятдан келиб чиқади. “Дунёвий зарурият англаниши учун инсон тафаккурида унга мувофиқ келувчи зарурият яратилиши даркор”[6.31-32]. Ушбу зарурият фалсафий мушоҳадаларни реал ҳаёт қўяётган муаммолар, бу муаммолар ечимини излайдиган фанлар, назариялар ва технологиялар билан боғлайди.

Хусусий, илмий техник тафаккур ишлаб чиқариш муносабатларини, меҳнат қуроллари ва технологиясини такомиллаштиришга қаратилган креатив изланишлар, фикр ва ғоялар ифодасидир. У инсон фаолияти ва меҳнатини енгиллаштириш, янада самарали қилишга қаратилади, унда моддий оламни янги техника воситалари асосида инсонийлаштириш мақсади устуворлик қилади. Ушбу мақсад унга умумий, фалсафий тафаккурға яқинлашиш имконини беради.

Фалсафада “умумий метод” бўлишга даъвогар бўлмаган оқим, мактаб, таълимот йўқ. Уларнинг қайси бири мавзумиз учун муҳимлигини, зарурлигини айтиш қийин. Инновацион тафаккур онг феномени билан боғланаётган экан, субъектив қарашларнинг имманент хусусиятлари, инсон онгининг ижтимоий борлиқ билан диалектик алоқалари, янги ғояларнинг шаклланишиға таъсир этадиган детерминистик омиллар тилға олинishi табиий ҳолдир. Ушбу детерминистик омиллар қуйидагилардан иборат:

- инсоннинг янгилик яратишға, креатив изланишларға, ижодға ташналиги;
- ижтимоий борлиқнинг, жамият тараққиётининг динамик хусусияти ва талаблари;
- реал ижтимоий борлиқ билан идеал ижтимоий борлиқ ўртасидаги зиддиятларнинг англаниши;
- тафаккурнинг мусобақаға, рақобатға ўчлиги;
- ижтимоий когнитив омиллар таъсирини бўлган ишончнинг ортиб бориши.

Янгиликка, изланишларға ва ижодға ташналик инсонға хос хусусиятдир. Айнан ушбу хусусият инсонға ижтимоий борлиқнинг ва ижтимоий муносабатларнинг субъекти сифатида қарашға ундайди. Фалсафа фанлари доктори С.Норқулов ёзади: “Дунёни, оламни билишға қизиқиш инсонға хос хусусият. Гносеологик тажрибаларни умумлаштириш ва ён атрофни ўзгартиришда улардан фойдаланиш хусусияти туфайли инсон ижтимоий тарихий жараёнларнинг субъекти, цивилизация яратган. Мазкур жараёнлар тафаккур, онг, онға хос билиш, билим олишға интилиш билан боғлиқ”.[7.33] Тадқиқотчи индивидуал тафаккур ва онгининг ижтимоий тафаккур ва онға айланиш қонуниятларини очиб беради, биринчиси қанчалик муҳим, аҳамиятли бўлмасин, детерминистик омиллар, айниқса ижтимоий талаблар, жамият эҳтиёжлари орқали Н.А.Бердяев назарда тутган “зарурият” маҳсулиға айланади. Демак, инсоннинг янгиликка, яратишға ва ижодға ташналиги фақат индивидуал ҳодиса эмас, улар ижтимоий зарурият билан боғлиқдир. Бу ўринда жамият тараққиёти талаблари детерминистик таъсир этади. Ижоднинг ички детерминистик омиллари ҳам борлигини унутиб бўлмайди.

Ижодий тафаккур тўғрисида гап кетганида кўпинча ушбу ички детерминизмни назарда тутадилар. Ички детерминистик омилларга қобилият, илҳом, фикрлаш ва яратиш дарди, ён атрофни ўзгартириш, янада гўзаллаштириш ва инсонийлаштириш иштиёқи, онда шакланган идеал каби ижодий психологик феноменлар киради. Бу феноменлар айниқса ёшлар тасаввурларида, ҳаётида етакчи рол ўйнайди. Респондентларимизнинг 82 фоизи Президентимиз ва ҳукуватимизнинг ёшлардаги янгиликка, инновацион изланишларга бўлган қизиқишларни кўллаб қувватлаётганини ижобий воқелик сифатида баҳолайдилар, иложи борича бу имкониятлардан фойдаланиб қолишга ўзини тайёрлаётганларини билдирадилар. Уларнинг 78 фоизи мактаб, ўқув юртлари ва оила институтлари ёшлардан ижодкор шахслар бўлиб етишишни талаб этаётганини, бу борада энг аввало ота-она катта ёрдам бераётганини, оиладаги маънавий ахлоқий муҳит, олийжаноб фазилатлар, бир бирига ёрдам, альтуризм, катгани ҳурмат ва кичикни иззат қилиш анъаналари руҳий мадад, далда бўлаётганини таъкидлайдилар. Шахсдаги ижодга бўлган меҳрда оила ва мактаб катта рол ўйнашини респондентларимизнинг 69 фоизи, дўстлар таъсири етакчи ўринда туришини 51 фоиз, ҳамкасблар, курсдошлар 32 фоиз, китоб ва ёшлар уюшмаларининг махсус маданий маънавий тадбирларини 21 фоиз респондентлар қайд қиладилар. Шу билан бирга, респондент ёшларнинг деярли 94 фоизи у ёки бу ижодий фаолият тури билан шуғулланиши ёки қизиқишини билдиради. Тўғри, улар ичида бадий ижод етакчи ўринда (78 фоиз) туради, илмий техник ижод билан қизиқувчи ёшлар атиги 3 фоиз атрофидадир. Биз илмий техник ижод билан қизиқувчи ёшларнинг бошқа саволларимизга берган жавобларини махсус ўргандик. Ушбу ёшларнинг оиласида ё отаси ёки акаси илмий техник ижод билан шуғулланишини аниқладик. Улар ичида дўстлар ёки бошқалар таъсир қилган ёшлар бармоқ билан санарлидир. Бундан шу хулоса келиб чиқадики, илмий техник ижод билан шуғулланиш истагини оиладаги катталар уйғотар экан. Ёшларда илмий техник ижодга қизиқиш ўзидан ўзи шакланмас экан, бу ўринда ташқи детерминистик омиллар оила, дўстлар таъсири етакчи ўринда туради. Махсус билимлар ва ўқув юртларининг таъсири аксиомадир. Ёшлик оламга, ҳаётга, уларни англашга қизиқишларнинг шаклланадиган палласидир. Туғма қобилиятлар борлигини инкор қилиб бўлмайди. Масалан, машҳур композитор Моцарт 4 ёшида опера ёзган, рус композитори Прокофьев 9 ёшида, Мендельсон эса 14 ёшида мусиқа басталаган.[8.7] Алишер Навоий ёшлигидаёқ Аттормнинг “Мантиқ ут тайр” асарини ёддан билган, Беруний ва Ибн Синонинг ёшлиқдан илм фанга қизиққани, нодир қобилият эгаси бўлгани маълум.[8.298-299] Мазкур қобилиятлар, албатта, ташқи детерминистик таъсирлар туфайли камол топган, ноёб воқеликка айланган. Агар ушбу даҳолар ўз устида ишламаганида, изланишни ҳаёт ва фикрлаш тарзига айлантормаганларида етуклик даражасига чиқиши амри маҳол эди. Тан олиш керакки, баъзан табиатда истиснолар учраб туради. Масалан, Бурденко номидаги машҳур илмий тадқиқот институтига 16 яшар йигитча ташҳисга келади. Таҳлил пайтида бош мия ҳеч қандай ишлаш аломати бермаётгани аниқланади. Теширишдан маълум бўладикки, йигитчада ўнг мия йўқ, чап томон эса арзимас даражада сақланиб қолган. Шунга қарамасдан, йигитча фаол яшаган, аъло ўқиган, спорт билан шуғулланган,

интеллектуал нуқтаи назардан тенгдошларидан анча юқори. Бу аномал ҳодиса барчани ҳайратга солган.[10.№5] Бу истисно, оддий табиий ҳодиса эмас. Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон мияси 35 км. га жой бўладиган ахборотларни ўзига жо этиш хусусиятига эга. Бутун рисолаи бир ўқиганида ёдлаб қоладиган, икки кўлида ҳам бемалол ёзадиган, ўттиз рақамгача ёдида сақлаб қолиб, шу заҳоти уларни кетма кетликда айтиб берадиган вундеркиндрлар етарлича топилади. Демак, инсонни, айниқса ёшларни истаган ижод турига ўргатиш мумкин. Замонавий таълим тарбия, педагогика ушбу тамойилга асосланган. Респондентларимизнинг юқоридаги жавоблари ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Инновацияни илмий техник ижод тури билан чегаралаб қўйиш мумкин эмас, у инсон фаолияти ва қизиқишларининг барча томонларига, йўналишларига тааллуқлидир. Шунинг учун ҳам адабиётларда “социал инновация”, “юридик инновация”, “агроинновация”, “эстетик инновация”, “бошқаришдаги инновация”, “педагогик инновация” каби атамалар учрайди. Баъзан уни илмий техник изланишлар, янгиланиш билан боғлашганда соҳага илмий техник янгилликларни олиб кириш, технологик модернизациялаш назарда тутилади. Ишлаб чиқариш жараёнлари ва хизмат турларини замонавий техника воситалари билан алмаштириш инновация сифатида талқин қилинади. Бу талқинда инновацияни ҳар қандай янгилikka ўхшатиш кўзга ташланади. Бизнинг фикримизча, уни соҳани, объектни, жараённи моҳиятан янги йўналишга солишга қаратилган ижодий фаолият тури, деб билиш ўринлидир. Ижтимоий борлиқнинг, жамият тараққиётининг динамик хусусиятлари, талаблари инновацион тафаккурга таъсир этувчи ташқи детерминантлардан биридир.

Умуман, инсон онги ва тафаккурида кечадиган когнитив ҳодисалар ана шу детерминатларнинг таъсири туфайлидир. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тафаккурнинг ижтимоий когнитив хусусиятлари инновацияда ўз ифодасини топмай қолмайди. Бу илмий техник тараққиётнинг инсон ҳаётига таъсири туфайли рўй бермоқда, инсон руҳияти нозиклашиб, ҳар бир турткига реакция қиладиган даражада иммерсиялашиб бормоқда. Бизнинг фикримизча, бу бир томондан стресс ва депрессив оқибатларга олиб келса, иккинчи томондан, когнитив имкониятларни фаоллаштиради, янги янги илмий техник воситаларни кашф этишга олиб келади. Агар иммерсиялашиш ижод, яратиш билан уйғунлаштирилмаса, инсоният глобал депрессияга дучор бўлади. Демак, инновацион изланиш инсонни салбий руҳий ҳоллардан асраш омили ҳамдир.

References:

1. O'zbek tilining izohli lug'ati.4 jild. Toshkent; O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, Davlat ilmiy nashriyoti, 2008. 13 b.
2. Falsafa ensiklopediyasi. Toshkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. Davlat milliy nashriyoti, 2000. 275 b.
3. Bilish falsafasi (gnoseologiya). Toshkent: Universitet, 2005. 215 b.
4. Bilish falsafasi (gnoseologiya). Toshkent: Universitet, 2005. 215- 216 b.
5. Bilish falsafasi (gnoseologiya). Toshkent: Universitet, 2005. 218 b
6. Berdyaev N. Falsafa erkin ijoddir // Tafakkur, 2018, 3 son. 31 32 b.

7. Norqulov S. Fuqarolik jamiyati va ijtimoiy ongda transformatsiya jarayonlari. Toshkent: Navro'z, 2015. 33 b.
8. Peshkova V. Fenomen geniya. Rostov na Donu, Feniks, 2006. S.7.
9. Qayumov A. Asarlar. 3 jild. Toshkent: Mumtoz so`z 2009. 106 107 b.;
10. Nervnie kletki vsyo taki vosstanavlivayutsya // Argumenti i fakti, 2015, №5.